



ДУРРАЯТ

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

22 - 28 март
2000 йил
12 (165) - сон

Чоршанба кунлари чиқади 1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган



НАВБАТ

КҮНГИЛДАГИ ҲУРРИЯТ

Инсон орзу-умид билан яшайди. Аслида мана шу туйғунинг ўзи бани башар ҳаётига мазмун-моҳият бағишлаб туражақ.
Одам тонгда илинж билан уйғонади. Баайни бу кун бошқачароқ, самаралироқ кечадигандай, барча тиллақлар ижобат бўладигандай.
Наврўз — бошланажак янги йилнинг илк тонги.
Наврўз — умидлар, орзулар кун.
Наврўз кўнгилга хурлик туйғуларини олиб киради. Зеро, оламда яша-

риш, тирилик фасли бошланади. Мабодо, уйғонишга, яшашига мойиллик уйғонмас экан, бундай юрак пўпанак босиб қолаверади. Яъни, шоир Омон Матжон айтганидай, баҳорда уйғонмасанг - чирийсан.
Биз бугун эркинлик, хурлик ҳусусида кўп гапирмоқдамиз. Гўё бу тушунчалар аллақачон ижтимоий ҳаётимизда муқим ўрин эгаллашди лозимдек эди. Аммо, назаримизда, хуррият-эркинлик эҳтиёжи аввало кўнгилда туғилади, сўнг

онгга ва ниҳоят тилга кўчади. Демак, Румий ҳазратлари бениҳоя топиб эътироф этганларидек, "Хуррият инсон кўнгилдадир". Келинг, мана шу хурриятни тавоф этайлик, мана шу хурриятга инонайлук.
Инқилоб куйдан бошланади, деб ўқитиб келишган бизни. Холбуки, жамиятдаги эркинлик кўнгиллардаги хурриятдан бошланажак. Айрича олинган ҳар бир шахсоннинг эркинлиги алақибат ижтимоий эркинликка олиб келади.

Кўнгилда хуррият туйғулари маъжурган инсон оламга теранроқ, зийракроқ қарайди. Кўнгилда хуррият туйғулари мавжуд инсон ўзга бир хилқатга ҳам эҳтиром ила муносабатда бўлади. Натияжада эса, жамиятда инсонларнинг инсонларга эътиқоди шаклланади. Ва мана шу ҳодисот ижобий эвриллишлар иттибосидир.
Наврўз мана шундай туйғулар бахш этиши билан ҳам қадрлидир.
Наврўз мамлакатимизнинг турли бурчакла-

рида катта тантаналар билан нишонланди. Халқ сайлга чиқди...
Байрам давом этмоқда. Зеро, ўз йилимиз кириб келди. Кўт-баракали, серҳосил, ҳаётимизда ўзига хос из қолдирар дея умид қилаётган йилмиш бошланди.
Хаммамизга кўтлуғ йилбошимиз муборак бўлсин!
Хаммамизга кўнгилларимизда уйғонган Хуррият туйғуларини муборак бўлсин!

Абдурахмон ТАШАНОВ

ЙҮЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ — УМУММАДАНИЯТ КҮЗГУСИ

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Ҳадемай бу гоятда фойдали тadbир ҳам ниҳоятда етади. Ойлик тугайди, бироқ ҳаёт давом этади, демак, йўлларимизда автоуловлар тўлиб-тошиб елаверади, автотранспорт ва йўловчи муносабати давом этади, демак, минг афсуски, кўнгилсиз ҳодисалар ҳам...

Бизда бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берса айбни ҳайдовчиларга ағдаришга одатланганмиз. Аслида шундайми?
Менимча, йўқ.
Тўғри, ҳайдовчининг масъулияти ниҳоятда катта. Унинг ҳатти-ҳаракатларига жуда кўп нарса боғлиқ. Йўловчининг қондаларга белансаллиги, бепарволиги ҳам ўзи ва бошқаларни фожиага олиб келиши мумкин-ку. Шу маънода, транспорт ҳаракати шу қадар жиддий муаммоки, уни бутун яшаш тарзидан, одамларимизнинг тафаккур тарзидан, халқимизнинг менталитетидан ҳатто умуммаданиятимиздан келиб чиқибгина муҳокама қилмоғимиз зарур деб ўйлайман.
Йўлнинг бош "қахрамонлари", табиий, ҳайдовчилар. Улар эгарда ўтирадилар, улар турли тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситаси бошқарувчилари. Жуда кўп омиллар уларнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ. Кўпчилик ҳайдовчиларга осон тугади. Айтишларича, транспорт ҳайдовчиси ҳар лаҳзада бир неча ўнлаб ташқи ахборотни қабул қилиб бориши керак. Шунчаки эмас, хушёрлик билан ахборотни қабул қилмоғи ва шунга яраша машинани бошқармоғи керак.

Булардан нима келиб чиқади?
Ҳайдовчиларнинг асабийлиги, кўполлиги, ҳатто оғзи шалқиллиги...
Буларни тушуниш керак, бироқ ҳар нима бўлганда ҳам ҳайдовчи йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмоғи шарт! Чунки унинг ҳаракати нафақат унинг ўзига, бошқаларнинг ҳаётига ҳам зомин бўлиши мумкин.
Шу биргина масъулиятнинг ўзи унинг зиммасига жуда кўп жавобгарликни юклайди.
Ҳайдовчи ҳар қандай ҳолатда ҳам мана шу масъулиятни унуттишга ҳаққи йўқ.
Ҳайдовчи қондалага белансаллик қила боладими, эркини кўлдан бердики, фалоқат оёқ остида довергани.
Уни бундай ҳолатлардан халос этиш кўп жиҳатдан... пиёда йўловчиларга ҳам боғлиқ.
Йўловчиларда ҳам айб кўпллигини тан олайлик. Айтиш керакики, бизнинг ЙЎЛОВЧИЛАРДАЙ қондаларимиз дунё мамлакатларида кам топилди.
Баъзан уйлаб қолсан киши, нима, кўча ҳаракати қондаларига риоя қилиш бизнинг халқимиз менталитетига шу қадар ётми? Одамларимиз феълидаги қонунга нисбатан бепарволик йўл ҳаракати қондаларига нисбатан ҳам мавжуд. Ҳайдовчи қондалдан салгина четлашса ДАН посбонлари хушёр турибди. Йўловчи-чи? У кимдан чўчилади?
Ҳеч кимдан! Нарин борса, ДАН ходими пиёдани хушёрликка ундаши мумкин. Лекин у жазо олмайд.
Одамлар жазо қилиш туйғули туйғули бемалолхўжага айланади. Мен жазо жорий этилсин демоқчи эмасман, аслида одамларимиз қоннинг йўл ҳаракати қондаларини ҳурматлайдиган даражада маданиятлариш тарафдориман. Ахир йўлнинг истаган жойдан кўндаланг кесиб ўтаётган, транспорт ҳаракатига халал бераётган йўловчи ўзи қолиб, ҳайдовчиларнинг, транспортда бораётган йўловчиларнинг ҳам умрига зомин бўлиши мумкин. Жилла курс, серкатнов йўлда асабий вазият туғилишига сабаб бўлади.
Демак, кўнгилсиз ҳодисалар ҳам икки қўл қарсагидан келиб чиқади.
Яна бир "қарсақ", назаримда, транспорт йўлларининг носозлиги. Мустақиллик йилларида катта шаҳарларимиз йўллари анчагина яхшилланганини фахр билан айтмоқ лозим, афсуски, бундай мактовни чека вилонят ва кишлоқ йўлларига нисбатан айта олмаймиз.
Яна бир гап. Тажрибали ҳайдовчиларнинг айтишича, борзорларимизда сотилаётган эҳтиёт қисмларининг сифатсизлиги. Торғоз системасига ишлатиладиганими, бошқами — аксарият Хитойдан келтирилган эҳтиёт қисмларга ишониб бўлмайди. Афсуски, арзонига учининг оқибати қимматга тушаётганини кўпчилик кўриб-билиб турибди.
20-30, ҳатто 40 йиллардан буён ҳайдалаётган машиналар ҳам кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам техник жиҳатдан созмикан? Уларнинг ҳаммаси ҳам бугунги талабга жавоб берамикан?
Назаримда, таракый этган мамлакатларда йўл ҳодисаларининг қамлига бош сабаблардан бири ҳам шунда, яъни уларда шарт қетиб парти қолган машиналарнинг бахрдан ўтилади.
Бизда-чи?
Моддий-техносидий имкониятлар баҳона бўлолмайди. Биз фожияли тасодифларнинг олдини олишни қўламоғимиз керак. Бунинг сабаблари эса кўп. Асосий сабаб — халқимиз умумий маданиятининг, тушунчаларининг етуклигида. Шунинг учун ҳам йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиш, бахтсиз ҳодисаларни кескин қамайтириш ҳам халқимизнинг савиясига, тушунчаларига боғлиқ.
Фикр-мулоҳазалар кўп, биз уларнинг айримлари хусусида муктабар сўз юритдик, холос...

БОШ МУҲАРРИР

"ОСКАР" МУБОРАК. ЙҮФ-Э...

Республикамиз ҳаётида фавқуллода ҳодиса саналган "Офарин" танлови ниҳоясига етди. Катта шов-шувларга сабаб бўлган ушбу танловнинг матбуот йўналишида ҳамкасбларимизнинг устози — Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири, забардаст журналист Аҳмаддон Мелибоев голиб-

лардан деб топилди.
Биз "Хуррият"чилар Аҳмаддон акани ушбу ғалаба билан жамғарма ходимлари ва барча ҳамкасбларимиз номидан табриқлаймиз. "Оскар", йўф-э, "Офарин" муборак, дея олқишлаймиз.
Илоҳ, эзгулик йўлида ёзаётган мақолаларингиз кўпаяверсин, қалам ушлаган кўлингиз ҳеч қачон толмасин! "Хуррият"чилар

"ЭР ЯРИМ КЕЧАДА УЙҒОНИБ ҚАРАСА..."

Юзакичиликка кўниқиб қолаётганга ўхшаймиз

Аҳмаддон ака! "Офарин" кўтлуғ бўлсин!
Келинг, шу фурсатдан фойдаланиб қутилмаган саволлар берайлик. Қутилмаган жавобларингизни аямасизми?
Сизни қандай ботиний куч ёзишга ундайди? Мавзунинг қандай танлайсиз-у, қандай шариҳатда машинак ёнига келасиз?
Битта мақолани ёзишга қанча вақт сарфлайсиз?
Кўндан буён ўйлаб юрган, лекин ёза олмаган мавзунингиз борми?
Бугунги ўзбек журналисти учун энг муқим учта фазилатини айтинг.
Теша тегмаган жавобларингиз учун офарин!

бўлди. Тушликка кетаётган эдим, лифтада бир адибимиз билан учрашиб қолдим ва... тушликни хар кун қилиш шартми дегандай, орқамга қайтиб машинага қоғоз қўйдим. Бир гал аэропортда самолёт учмай уч-турт соат қолиб кетганман. Бекор ўтирмайин дея, аэропортимизнинг ютук-камчиликлари, йўловчиларга хизмат кўрсатиш савиясининг пастиги тўғрисида каттагина танқидий мақолани қоғозга қутиб залида туширдим.
Баъзан битта кичик ахборотни ҳам қиналиб ёзаман. Кўрган, келмай қолса келмайди-да. Айниса, бюрорта мақолалар олдани қўйиб юборади. Бир ёзишда битмай қолса, кейин улганган жойлари барбур билиниб қолади. Баъзан бир мавзуда ёзаман деб ўтирасиз-у, бутунлай бошқа нарса келиб чиқади. Ёзган нарсаларимиз энг аввало ўзим қаттиқ таҳрир қиламан, қисқартираман, ҳамкасбларга ўқитиб, уларнинг фикрлари асосида қайта ишлайман.
Кўндан бери ўйлаб юрган, аммо ёзмаган, ёза олмаган мавзулар ҳам йўқ эмас. Шунлардан биттаси — сифатсизликка кўниқиб иллати. Назаримда, сифатсизликка кўниқиб бораётганга ўхшаймиз. Сифатсиз таом, сифатсиз тиликдан кийим, сифатсиз қурилиш, сифатсиз тарбия, сифатсиз фикр... Демократикани, одамлар турмушимизда учраб турадиган мана шунданки сифатсизликларга дуч келганларимиз. "Ҳа энди, хозир шунақа-да, хозир шу-да" дейдиган бўлиб қолишмайми? Тўғри бунинг ҳеч бир ажабланидангиз жойи йўқдай, иллатлар олдидан бемалол ўтиб кетаётганга ўхшаймиз "Эски Жўва" бозоридега оғзидан ҳали она сутининг ҳиди кетмаган уч тўртта усиринчалар ёнларидан ўтаётган қиз-жувонларга беҳаё сўзларни айтиб, бемалол туришибди. Ҳеч ким бир нима демаяди. Аксинча, хозирги ёшлар шу-да, деб бемалол ўтиб боришати.

Очингани айтиш керак, мактабларда таълим-тарбия ишлари талаб даражасида эмас. Баъзи ўқитувчилар ўқувчиларга уларнинг ота-оналарига қараб муомала қилишади. Бориб қизқисангиз, нукул шу гапни эшитасиз: "Болангиз ўзлаштира олмайпти. Қўшимча дарс олмас бўлмайди..." Қўшимча дарс деганлари эса бекорга ўтилмайди.
Шу ҳақда кўндан ёзмақчи бўлганман, аммо ёза олмайдим.
Бир вақтлар пахтачилик бригадаси бошлиғи - ёш жувон тўғрисида очерк ёзганман. У, агар янглишмасам, шундай бошланган эди: "Турсунали ярим кечада уйғониб ёнига қараса, хотини йўқ. Сақраб туриб даҳлизга чиқди — йўқ. Ошхонада ҳам йўқ. Кийини ҳовлига отлиди. Қараса, от ҳам жойида эмас. Хайрият-е, дея аста келиб ўрнига ётди..."
Уша йиллари ёш умрини пахтага бағишлаган авллар тўғрисида шунақа ёзиш расм эди. Ярим кечада иссиқ

ўрнини тарқ этиб, пахта даласига отланганлар қахрамонларча шарафланарди. Яқиндан бери шу очеркнинг бошлангани аян тақрорлаб бошқа бир мақола ёзишни ният қилиб юрибман. Эр ярим кечада уйғониб қараса, хотини ёнида эмас. "Мардон, ҳо Мардон, энанг қани?" дейди у ётган жойида. Кўшни чоҳда ётган ўғли кўзини ишқалаб жавоб қайтаради: "Ипподромда кетилди..."
Ипподром бозоридега бир вақтлар бизга унча-мунча нарсалар ёзиб турадиган собиқ филолог олимни кўриб қолдим. "Тирикчилик-да, ака, айбга бюрормай-сиз..." дейди. Аф-ангори бир аҳволда. Қор аралаш ёмғир уриб турибди. Хаммаёқ лой. "Худо хоҳласа, вақти-соати билан касбимга қайтаман", дейди. Аммо мен бу гапга ишонмайман. Бозор деганлари ўз "бағрига" олганлари осонликча қўйворадиган анюйи эмас. Бозорнинг нониёи деб эсини танган одамнинг бошқа жойдан ризқ ахтариши жуда қийин. Шу тўғрида "Бозорнинг нони..." деган мақолани бошлаганман, аммо қачон тугатишни айта олмайдим.
Бугунги ўзбек журналистикаси учун зарур учта фазилат... Менга қолса саволи сал бошқачароқ қўйган бўлардим — бугунги ўзбек журналистикасининг учта қусури... Бордимо, шундай дейилса мен жиддий ютукларни инкор этмаган ҳолда, уларнинг биринчиси деб юзакичиликни айтган бўлардим. Юзакчи, ёнгил-ёлпи мақолалар беҳад кўпайиб кетди. Нима мақсадда ёзилганини, нима дейилмоқчи эканлигини мутлақо англаб бўлмайдиган нарсаларни ўқиганимда пешонанг турилиши кетади. Иккинчиси — ялғизлик ёки ёлғизчилик. Назаримда, ўз босма нашрига эга бўлишлик касалига чалинмаган бирорта ташкилот, қорхона қолмайдиганга ўхшайди. Баъзилар ўзимизнинг газетамиз бўлса, яши бўлади, деб ўйлашади. Бунинг ёмон бир томони бор. Узингизнинг газетангиз ҳеч қачон ўзингизни саваламайди, аксинча, бошқа танқидий найзалардан сизни ниҳоят қилишга уринади. Бунинг оқибати нақадар ёмонлигини тасаввур қиласизми... Учинчиси — журналистиклик. Бу қусурни шарҳлаб ўтирмаган ҳам бўлади.

Аҳмаддон МЕЛИБОЕВ

4-бегга БИР САВОЛ Энг катта бойлик нима?

ҲОДИСА ОЁҚ ОСТИДАГИ ГУЛ "Офарин" танлови тантанасида

Танлов голибларини аниқлаш оқшоми чин маънода халқ байрамига айланиб кетди. "Халқлар дўстлиги" саройини лик ўтқарган томошабинлар уч ярим соат мобайнида сахнадан кўз уммай ўтиришди. Шунда...
Голибларга гулдаста берилаётганда, бир дона қизил гул қўлдан тушиб кетди. Тadbир давом этди. Голиблар эълон қилинди, совринларни топшириш давом этди. Куй, рақс, қўшиқ қизилган-қизиди.
Бир дона қизил гул оёқ остида ётаверди.
Тантана бошқарувчиси Тилибжон Исроилов ҳажонда, гул ва соврин олиб чиқаётган бўйчан сохижамол қизлар бепарво, бир дона қизил гул ярим соатдан ортқ оёқ остида қолаверди.
Чин кўнгилдан, "Абдуманноп ака! Сиздек инсонларга офарин!" деб юбордим.
ТОМОШАБИН

ЙҮФ-Э! Хаммининг йўли сирпанчик

АНИҚЛИК ИККИ ХАБАР

Ва улардаги бир неча чалкашликларга тузатиш

Ўзбекистон Миллий университети қосидаги хорижий тилларни ўрганиши маркази, мана, икки ойдири, ўтасдан ҳар қачонидан гавжулашиб қолди. Нега, дейсизми?
"Оила ва жамият" газетасининг 19 январь сонидеда "Тил ўрганиш текин" деб номланган хабар чиқиди, сенсация бошланди. Яъни, бепулдан бепул чет тилини ўрганиб қолиш иштиёқидиганлар шовиллиб қолдишди. "Текин" сўзидан кўра сенсацияроқ сўз йўқ-да, хозир!
Бўёғини сўрасангиз, "Тил ўрганиш текин" хабари "Туркистон-пресс" агентлиги имзоси билан чиққан. Бироқ хабарда битилганидек, инглиз, немис, араб тиллари эмас, хозирча фақат инглиз тили, ўқитилмоқда. Марказ фаолиятининг текинлиги шундаки, бу ерда университетда тахсил олаётган шариҳатни оғир ва ногирон талабаларгагина имтиёзли, яъни бепул ўқитиш йўлга қўйилган. Хозир эса, марказ раҳбари Мила Мусазаланининг ("Тош-

- Норали ҳам йўқ.
- Ким бор ўзи?
- Ҳеч ким...
- Бўлмаса га-
- қонди (дарров)
- Бу - автоответчик,
- дедим ҳазиллаш.
- Ҳўп, кечирасиз,
- деди-ю, акашонимиз
- гўшакни қўйиб қўйди.
- "АВТООТВЕТЧИК"

БИР БОР ЭКАН,

ЙЎРГАККА АЙЛАНГАН КАФАН

"Исдан оғир хурофот" сарлав-хали мақола эълон қилингандан сўнг, унда баён қилиган воқеага ўхшаш гаройиб ҳодисалар ҳақида менга сўзлаб берувчилар кўпайди. Мана улардан бири: Тожикистоннинг бир қишлоғида ой-кунни яқинлашган келинчаки тоқ уриб, хушидан кетади. Унда ҳаёт асарини тополмаган яқинлари аза очиб, кўмиб қолишади. Қабрда ўзига келган жувонни кўрқувдан тўлғоқ тутатади ва ўғил кўради. Гўдагининг йиғиси онага далда бўлади, ўзини йўқотмайди. Келинчақ уз кафаннинг бир қисмини йиртиб, боласига йўртак қилади, ўзи ҳамда норасидасининг ҳаёти учун кураш олиб боради, қабрдан ташқарига чиқиб

чорасини излайди... Тонг-азонлаб қабр тепасига келганлар ер остидан келаётган товушни эшитиб, қабрни очадилар, бир жасад кўмилган гўрдан икки тирик инсонни кавлаб оладилар. Ҳозир она-бола яқинлари ва тибиёт ходимларининг назоратида, соғ-саломат ҳаёт кечирашмоқда. Бу дунёдан ризқи ҳали узилмай, қабрдан тирик қайтган ана шу бахтли она ва замонимизнинг "гўрўғли"си ҳақидаги мақола билан "Хурият"нинг яқин келажактаги сонларида танишасиз, деган умиддамиз.

Одлоёр БЕГАЛИЕВ

Далаларга баҳор нафаси

Далаларда баҳор нафаси. Ноз уйқудан кўзгалмоқда ер. Дилга ёқар қушлар шўх саси, Юр, дўстгинам, қилайлик сайр.

Атрофга боқ, гуллар чамани, Чопар тоғдан жұшқин шалола. Хас ортомоқлар хатто чумоли, Чорлар мейхат, қадрдон дала.

Сочларига тақиб тол попук, Қизлар уйнар ҳовлида тўптот. Усма қуяр кўзлари сузук, Ер қалбага солай деб оташ.

Болакайлар қувончи чексиз, Юксакларга у чади варрак. Навниҳоллар чиқарар илдиш, Гул бўлай деб етилар куртак.

Хар ён хушбўй таралиб исси Яллиз ўсар анхор бўйида. Яйловларда ўтлар кўй-кўзи Илхом бериб чўпон куйига.

Далаларда баҳор нафаси, Хамир каби лорсиллайди ер. Дилга ёқар қушлар шўх саси, Юр, дўстгинам, қилайлик сайр.

Равшан ИСОҚОВ

Л-А-Т-И-Ф-А-Л-А-Р

Бир кунни шер қолконга тушиб қолибди. Оғриқдан бақирариш, ҳеч ким эшитмас эмиш. Бир пайт қаердандир кўён пайдо бўлибди. Ҳамда шернинг аҳолини кўриб, аввал хайрон бўлибди, кейин у авдан бўр ёққа сакраганча: "Сен энг ваҳший, ёвуз нусхасан!" дея югуриб кетибди. Икки-уч қадам қўйиб ўйланса қолибди: "Йўқ, мен ҳали шер ҳақида нима ўйлашимнинг ҳаммасини айтганим йўқ". У шу хаёлда орқага қайтибди. "Сен, Шер, кўрқоқ, латта, жинни-сан!" деб югуриб кетибди. Бироз ўтиб, ўйлабди: "Яна бориб икки-уч оғиз ёмон гапларни гапирман", деб орқага қайтибди. Караса, қолкон бум-бум. Шу пайт орқадан шернинг катта ва оғир кўли кўённинг елкасига тушибди. Кўён кўрқандан шоша-пиша дебди: "Ишонсанми, шер, мен сендан ке-чирим сўрагани кет-табган эдим".

Муродхўжа ЗОКИРҲУЖАЕВ тайёрлади

Эр командировақадан келди ва ётоқхонага кирса, кимдир шамолдек дераздан қочибди. Шунда у хотинига: "Тани-мадим, бой булар экан!" — дебди нима қилишини билмай.

Муродхўжа ЗОКИРҲУЖАЕВ тайёрлади

Куёв келинга дебди: — Туйдан кейин тўғри денгиз

ЯНГИ СИГАРЕТА: "ХҲХХҲ—ХҲХХУВ"

Тамаки ва тамаки оймнинг кўп йиллик меҳнатлари ўз самарасини берди. Сигаретанинг антиқа хили дунёга келди. Унга "ХҲХҲ—ХҲХХУВ" деган ном берилди. Дунё сигаретларининг ҳали бирортаси бундай номга муяссар бўлмаган эди! Синаб кўрилганида, у тиббиёт олимларининг тамакининг зарари ҳақидаги башоратларини ҳам чиппақка чиқарди. Корхона ҳам шу вақтгача "ХҲХҲ—ХҲХХУВ"ни босиб чеккан бирорта одамнинг бахтсиз воқеага учрагани ёки ўлгани ҳақида шикоят хати олгани йўқ. Ақсинача, кўплаб миннатдорчилик изҳор қилинган мактублар келиб турибди.

Чекки бўйича ўтказилган таллова биринчи ўринни олган Қайсар қашанданинг хотинидан олинган хатда бундай дейилади: "Менинг беғим уч йилдан бери шу сигаретадан кунда ўттиз донадан чекади. Ҳозир оғзидангина эмас, бутун баданидан, хатто унинг кўли теккан буюмлар



дан таралаётган ёқимли хидга тараф йўқ. Бу хиддан хабар толган бир пари, тўғриси, унинг шарласи бизникига деярли ҳар кун келиб турадиган бўлди. Уша сабабчи бўлдим, беғим билан иккимизнинг бир-бирига бўлган талпинишимиз қизгин паллага кирди. Биз уйингдан фаришта арима-син, деган дунинг ижобата-рига шу сигарета тўфайли эришдик, деган хулосага келдик. Лекин... Бир кун ярим тунда уйғониб келиб ўша парининг шарпаси беғимнинг кўрагига ўтириб олди, гижжақ чапаётганини сезиб қолдим. Уша воқеадан кейин аёл кишиликка бориб, беғимни рашк кима бошладим. У ҳам буни бил-либ қолиб, дилим ва тили-мин олий навли ипак толеси билан чандиб ташлади. Воқеа мана бундай бўлди. Бир кун беғим бир сигаретанинг сўрич томонига тилла суви билан "Омад" деган сўз ёзилганини кўриб қолди. Уни фабрикага олиб боргани, бошликларни беғимга тилла рангли бир енгил машина миндириб юборишди... Галнинг индаллоши шулки, ана шундай сигарета учун силарга каттадан-катта миннатдорчилик билдирамиз!"

Холдоржон ҚУРОНБОЕВ Андихон шаҳри

БОШҚОТИРМА

Crossword puzzle grid with letters and numbers for clues.

- Бўйига: 1. Дунёда энг баланда жойлашган тоғ кўли (8). —Колумб очган ернинг Хиндистон эмаслигини илгари сурган сайёх Виспуччининг исми (7). —Меҳр-муруват, кишилар ўртасидаги илиқ муносабат (6). —Матбаада ҳажм ўлчов бирлиги (5). 2. Уриб чалинадиган мусика асбоби (7). —Эрталабки овқат (7). —Ўзбекистондаги сиёсий партиялардан бири (6). —Туркиядаги шахар номи (6). 3. Машҳур рус қизиқчиси, кино ва цирк артисти (7). —Асос, таркиб, база (5). —Ерданчи сўз туркумларидан бирига оид, одатда галнинг бошидан кириш сўз вазифасида келадиган сўз (4). —Эркин, ҳур (4). —Ўсимликларнинг фармацевтика учун керакли бўлган гуруҳига берилган умумий номи (7). 4. Манман, куч ишлатиш билан ўзгаларга озор берадиган одам (7). —Атмосферадан ўпкага кириб чиқиб турадиган ҳаво (5). —Ҳадисларга нисбатан бериладиган энг ишончлилик мақоми (5). —"Бировнинг ҳақини еганда" тутадиган "қасаллик" (7). —Экваториал мамлакатлар учун бегона бўлган йил фасли (3). 5. Майинлик, латифлик (7). —Емоқ, овқатланмоқ (7). —Темирйўл составларининг тортувчиси (9). —Оғриқ, ҳаяжон онларида ишлатиладиган сўз (3). 6. Фуқаролар ўртасида ҳужжатларни расмийлаштирадиган ва қайд этадиган идора хизматчиси (8). —Иссиқ кийим, жимфер (6). —Қисқа сюжетли ёки реклама тарзидаги экран лавҳалари (5). —Бино ичидаги йўлак (7). 7. Яшшлик, беминнат қилинган ишларга бериладиган эваз (5). —Ошпазнинг "гўшт тўғровчиси". (7). —Митти одам (7). —Рамазон ойида ўқиладиган намоз (7). 8. Харбий машғулот ёки синовлар ўтказиладиган ҳудуд, майдон (7). —Республикамиздаги жамғармалардан бири (7). —Олис, узоқ (5). —Ошхона жиҳози ёки шахар (5). —Қушнинг эркаги (3). 9. Қадимий ва миллий ширинлик тури (7). —Само, чексиз коинот (4). —Ўрта, марказ (3). —Кимёда текширувчилик вазифасини ўтайдиган моддаларга бериладиган ном (10). —Европадаги қадимий шахар номи (3). ЗНИГА: 1. Асримизнинг бошида ҳалокатга учраган йўловчи кемаси (7). —Муғулчада "куёв" маъносини берувчи қадимий увнов (7). —Текириш, тартибни сақлаш (7). 2. Чўнтақ кесувчи, ўғри (7). —Қасод бўлмаслик учун олиб бориладиган кураш (7). —Элементлардан бири (5). —Конни тўхтатиш учун қўйиладиган дори (3). 3. Мумсимон модда (7). —Бегона, таниш бўлмаган (7). —Шақл, тузилиш (7). 4. Асосан салатларда ишлатиладиган қаймоқсифат масаллик (7). —Олтин, бойлик (3). —Бошлиқ, раҳбар (4). —Мобел жиҳози (4). —Турли тиллардаги сўзлар қаршилаштирилган адабиёт (5). 5. Лотин Америкасидаги давлат (4). —Давлатнинг тузилишига кўра бир тури (6). —Аллоҳнинг ризқ берувчилик сифати (5). —Асбоб, жиҳоз, яроғ (5). —Елғон, уйдирма (3). 6. Бальзам номи (7). —Элчи, пайгамбар (5). —"Пролетариат доҳийси" (5). —Яримнинг ярмининг ярми (3). —Араб алифбосида унлининг чўзилиши (3). 7. Хорижий машина маркаси (4). —Яримўтказғич тури (4). —Навоий "Хамса"сидаги қаҳрамонларидан бири (7). —Энг кам, энг паст (7). 8. Олти нолли сонлар (6). —Тамаки таркибидаги захарли модда (7). —Еруғлик, чароғ (3). —Дин пешвоси, черков хизматчиси (5). 9. Физик ўлчов бирикликларидан бири (4). —Иқлим минтақаларидан бири (6). —АҚШ штатларидан бирининг номи (8). —Туркий халқлардан бири (4). 10. Аёллар журналларидан бири (5). —Сувчилик иши билан шуғулланувчи киши (5). —Илм-фан, ўрганиладиган нарсалар (5). Техниканинг ҳаракатланувчи қисми (5). —Фол (3). 11. Диний экстремистик оқим (3). —Гирди капалак, парвона (7). —Бир сўрқ сўзининг таъкид қўйилган ёрдамида маъхумлик, ноаниқлик маъноси касб этган шакли (7).

Қавс ичидаги рақамлар топшириқда яширилган сўздаги харфлар сонини билдиради. Кейинги сўзининг бош харфи битта аввалгисининг сўнги харфи билан қўшилиб кетади.

АЁЛЛАР ГУРУНГИДАН

- Ҳаво нега соғиб кетди-я, овсин?
- Қор ёғди-да, шунга совиған.
- Исиб кетармикан тагин?
- Қуёш чиқса, исиб кетади, айланай.
- Ва-ай, ақлингиз балога етади-я, овсин?!


Пойтахтнинг Олой бозорида кўк пиёзнинг нархи кўкка кўтарилганмиш

"Экосан" сўзи "экасан"нинг шаклдоши эмасмикан?!

Various small text boxes containing puzzles, answers, and notices.

"МАМАТКИНО ҲАНГОМАЛАРИ"

Муҳаммаджон Олимов хотираларидан



Ўзбек санъатида шундай истеъод соҳиблари борки, уларсиз, айниқса, театр ва кино санъатини тасаввур қилиш қийин. Ана шундай эл ардоқлаган санъаткор, севимли кулгу даргаси Сойиб Хўжаевдир. Бу инсоннинг исмини эшитган ёки суратини кўрган мухлиснинг чекрасига табассум қалқийди. Сойиб Хўжаев яратган бетакор образлари билан ўзбек халқи хотирасида мангу ўшайди. Бир пайтлар Муқимий театри касабга уюшмаси Ярашевскийнинг Уғли вафоти муносабати билан гулчамбар қўйиб, жамоа номидан таъзия билдиришни Сойиб акага топширди. Раҳматлик Амин Турдиев актёрлар орасида рус тилини биладиган (рафикаси рус тилида ёзувчи) ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам Сойиб ака у кишидан "бандалик" сўзининг таржимасини сўраганида: — Домла, бу сўзининг переводи йўқ, Аммо русларда "Ваше горе разделяю" деб таъзия билдиришади, — деб жавоб қилди.

"БЮРОКРАТ МОНОЛОГИ"

1959 йили Тошкентнинг Қўчқа даҳасидаги тўйлардан бирига Сойиб Хўжаев келганини эшитиб, қўшни маҳалладагилар ҳам тўйхонага тезда йиғилишди. Ҳофиздан сўнг ниҳоят Сойиб акага навабат беришди. Шунда у кутилмаганида: —Тўйга узоқ-яқиндан келган каттаю кичик муҳтарам меҳмонлар, дўстлар, мандан кўринглар! Чунки қўлимдан сарик чақалик ҳам иш келмайди! — дедида жойига бориб ўтирди. Санъаткорнинг кутилмаган гапини тушунган қилиб кўрсатиш учун ҳам кўпчилик қилиб қўйди. Шунда мен секин: "Сойиб ака, бу ёни қандоқ бўлди?" деб сўрадим. "Билсанми, Маматжон, шу валлоҳи аълам бюрократни ҳеч жиним ёқтирмайди. Тўйда танийдиган бюрократни кўриб атайин унинг тилидан гапиргандек бўлдим", — дедилар.



Рассом А.ҲАКИМОВ

БИР ОҲҚ ЭКАН...

Тошкент шахар Юнусобод мавзеси "Зенит" заводининг орқасида 7 сотихлик девори ўралган, уйга пойдевор қурилган ҳовли СОТИЛАДИ. 80 минг гишти бор.
Тел: 49-02-61